



# TEMIRYO'LCHI

Temir yo'llar mamlakatimiz iqtisodiyotining qon tomiridir.

Gazeta 1933-yildan chiqa boshlagan

O'ZBEKISTON TEMIRYO'LCHILARINING GAZETASI

2023-yil • 19-oktyabr • payshanba • № 41 (6468)


ФАРМОН ИЖРОСИ

**Маълумки, шиддат билан ривожланиб бораётган техника асрида рақамлаштириш барча соҳага кириб бормоқда. Бунинг натижасида меҳнат унумдорлиги ортиб, бир қатор қулайликлар яратиляпти.**

## БОШҚАРУВ РАИСИ "ЎЗБЕКИСТОН" ЛОКОМОТИВ ДЕПОСИДАГИ РАҚАМЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ БИЛАН ТАНИШДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Рақамли Ўзбекистон-2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан тасдиқланган "Рақамли Ўзбекистон-2030" миллий стратегияси доирасида темир йўл тизимида ҳам кенг қамровли амалий ишлар олиб борилмоқда.

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи З.Нарзуллаев "Ўзбекистон" локомотив деposида бўлиб, локомотив хўжалигида рақамлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишди.

Ташриф доирасида депонинг ахборот-коммуникация технологиялари бўлими мутахассислари томонидан рақамлаштиришга оид ишланма ва таклифлар тақдимоти ўтказилди.

Мутахассислар рақамлаштириш орқали иш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигини ошириш, ёзма равишда юритиб келинаётган журнал ва китоблардан воз кечиш, ягона маълумотлар базасига эга бўлиш, маълумотнома ва баённомларни электрон шакллантириш ва тезкорлик билан чоп этиш, ахборот тизимларини умумий мониторинг қилиш, маълумотларнинг шаффофлигини таъминлаш, қоғоз сарфини 50 фоиздан 70 фоизгача камайтириш ҳамда локомотив депосининг ахборот тизимларининг ўзаро ишлашида ягона ёндашувни таъминлашга эришиш мумкинлигини ишончли маълумотлар билан изоҳлаб беришди.

– Рақамли технологиялар ҳар қандай корхонанинг изчил ривожланишининг асосий калити бўлиб, бу ишнинг кўп жиҳатларида сифатли ютуқларга эришишга имкон беради, – деди З.Нарзуллаев. – Шунингдек, рақамлаштириш ресурсларни режалаштириш, жараёнларни оптималлаштириш, маълумотлар алмашиниш, бошқарувнинг шаффофлигини таъминлаши билан ҳам жуда муҳимдир,

Тақдимотдан сўнг бошқарув раиси барча бошқарма раҳбарлари ва мутасаддиларга ўз хўжаликларида рақамлаштириш бўйича ишларни кучайтириш юзасидан алоҳида топшириқлар берди.

# ЎЗ ОНА ТИЛИМИЗНИ АСРАШИМИЗ, АРДОҚЛАШИМИЗ КЕРАК!

**ИНСОН ҲАЁТИ ДАВОМИДА АСРАБ-АВАЙЛАЙДИГАН, АРДОҚЛАЙДИГАН НЕЪМАТЛАР ҚАТОРИДА ТИЛНИНГ АЛОҲИДА ЎРНИ БОР. ЧУНКИ ТИЛ ИНСОННИНГ БИРЛАМЧИ ЭҲТИЁЖИ, СЎЗЛАШ, БИЛИШ, МУНОСАБАТ ВОСИТАСИДИР.**




Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, ҳозирги кунда ер юзида етти мингга яқин тил ва лаҳжа бўлиб, улардан икки юзга яқинигина давлат тили мақомини олган экан.

Шу ўринда, дунё халқларининг кўпчилиги ўз миллий мустақиллиги учун курашни она тилига давлат тили мақомини бериш учун курашишдан бошлаганлигини таъкидлаш ўринли бўлади. Жумладан, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш каби давлатларда мустақиллик йўлидаги дастлабки кураш айнан ўз она тилига давлат тили мақоми бериш учун бўлган. Чунки тил ҳар бир халқнинг миллат сифатида ўзлигини намоён қилувчи муҳим омил ҳисобланади.

Бизнинг она тилимиз собиқ иттифоқ даврида ҳар томонлама исканжа остида қолиб, нуфузи, обрўсини йўқотганлиги сир эмас. Кўпчилигимиз яхши эслаймиз, бирор жойга ишга кирмоқчи, бирор ташкилотга мурожаат этмоқчи бўлган кишидан ўзбек тилида ёзилган аризалар қабул қилинмасди. Ўзингиз ҳақингизда ўзга тилда ёзиб беришингиз шарт эди. Мажлислар, тадбирлар камдан-кам ҳолда ўз тилимизда ўтказиларди. Она тилимиз мустақил эмас эди.

Шу сабаб, мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритмасидан аввал "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг қабул қилиниши жуда муҳим тарихий ҳодиса бўлди.

Ўтган 34 йил мобайнида тилни ривожлантириш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Ўзбек тилида эмин-эркин гапириш ҳеч кимга, ҳеч қаерда тақиқланмади. Луғатларимиз бойитилди – тилимизга янги сўзлар кириб келди, эскилари тикланди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлар ва қарорлар ўзбек тилида ёзилди.

Аммо она тилимизнинг мақомини тиклаш, ўзбек тилини кенг истеъмолга киритиш маънавий соҳадаги ислоҳотларнинг ўзагига айланган бўлса-да, бугун она тилимизга бўлган муносабат ҳақида қайғуриб гапирадиган ҳолатлар ҳам мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Фарзандларимизга болалигиданоқ ўз тилимизни чуққурроқ ўргатиш ўрнига, мактабларда рус синфига беришга ошиқдик. "Ўғлим рус тилида зўр гапиради, қизим рус тилини мендан яхши билади", деб мақтандигу, ўзбекча салом бермаслигига "Ассалому алайкум" дейиши ўрнига "Привет" деганига эътибор ҳам бермадик. Ўз тилини билмаслик орқасидан миллий қадриятларимизни ҳам унутиб юборилиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмадик.

Телевидение орқали бериладиган кўрсатувларнинг савия жиҳатдан саёзлиги тилимизни, тарихимизни, бой маънавиятимизни билмаслигимиздан келиб чиқаётгани ҳақида кўп гапирилмоқда. Шеваларда, бунинг устига, ўз тилимизни бузиб гапиришларига бефарқмиз...

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган бўлса-да, уни ривожлантириш, унинг нуфузини оширишга барчамиз масъул эканлигимизни чуқур ўйлаб кўрмаяпмиз.

Бугун мамлакатимизда маънавий ҳаётимизнинг бу катта муаммоси янги босқичга кўтарилди. "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қабул қилинган фармон тилимиз ривожига қаратилган муҳим қадам бўлди. Таъбир жоиз бўлса, тараққиётимизнинг янги босқичидаги ислоҳотлари ичида энг долзарбларидан бири давлат тилининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, десак хато бўлмайди.

Шу сабаб, бу эзгу иш уммумхалқ томонидан қўллаб-қувватланиб, ўзбек тили давлат тили сифатида ҳаётимизнинг барча соҳаларида фаол қўлланилмоқда. Аммо ҳали қилинадиган вазифалар кўп, иш кўлами катта.




Бугун республикамиздаги барча вазирлик ва идораларда ҳужжат алмашинуви тўлиқ давлат тилида олиб борилиши, ҳужжатларнинг давлат тилида тайёрланиши белгиланди, бу ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Шу жумладан, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятида давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши борасидаги ишлар самарали амалга оширилмоқда.

Давоми 2-бетда

ҲАМКОРЛИК

**2023 йил 17 октябрь куни Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтаётган БМТнинг Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош Ассамблеясининг 25 йиллик юбилей сессияси доирасида "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти ва Италиянинг "ARSENALE S.p.A." компанияси ўртасида Ўзбекистонда "Luxury Train Cruising" сайёҳлик поездини йўлга қўйиш бўйича ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланди.**

## САЙЁҲЛИК ПОЕЗДИНИ ИШГА ТУШИРИШ ТЎҒРИСИДА МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Унга кўра, 2026 йил охиридан Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари ўртасида қатновни бошлайдиган ҳашаматли поезд ишлаб чиқилади ва қурилади. Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳомийлигида амалга оширилмоқда.

Ушбу Меморандумни "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи Х.Раҳметов, "ARSENALE S.p.A." компанияси бош директори П.Барлетта ва Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси раиси У.Шодиевлар имзолади. Томонлар лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилишини ҳамда унинг Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришдаги аҳамиятига ишонч билдиришди.

– "ARSENALE Group" компанияси билан ҳамкорликни бошлаганимиздан жуда мамнунмиз, – дейди Х.Раҳметов. – Бу ҳамкорлик Ўзбекистоннинг бой маданий-тарихий мероси билан танишишга қаратилган улкан лойиҳани амалга оширишни назарда тутади. Туризмнинг келажаги сифатида темир йўл саёҳатларини бошлаш концепцияси бизнинг инновациялар ва барқарорликка бўлган интилишимизга жуда мос келади. Ушбу Меморандумнинг имзоланиши биз босиб ўтишимиз керак бўлган йўлда биринчи қадамдир. "ARSENALE Group" билан ҳамкорлик ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтиш ва сайёҳлар учун қиймат таклифининг уфқларини кенгайтириш истагимизни яна бир бор тасдиқлайди.

Давоми 2-бетда

ЖАРАЁН

## "ОҚКЎПРИК" СТАНЦИЯСИДА 1200 МЕТР УЗУНЛИКДА ТЕМИР ЙЎЛ ИЗЛАРИНИ ЁТҚИЗИШ ИШЛАРИ БОШЛАНДИ

**Мазкур станцияда ҳозирги кунгача жами 4 та темир йўл излари мавжуд эди.**

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти раҳбариятининг саъй-ҳаракати билан бу станцияда босқичма-босқич пўлат излар сонини ошириш борасида амалий ишлар бошланди. Ушбу бошланган йўл қурилиши ниҳоясига етказилгач, станциядаги пўлат изларнинг сони яна иккитага кўпаяди. Бу эса қўшни давлатлардан мамлакатимизга кириб келаётган юк поездларининг сонини янада оширишга хизмат қилади.

Жумладан, бугунги кунда ушбу станция орқали бир суткада 28-30 жуфт юк поезди қабул қилинаётган бўлса, пўлат излар кўпайиши билан поездлар сонини 45 тагача ошириш имкони яратилади. Бундан ташқари, юкларни ўз вақтида манзилига етказиб беришда ҳам муҳим ўрин тутади.

Шунингдек, станция ҳудудида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси ижросини таъминлаш мақсадида Жамият ҳамда Транспорт прокуратураси раҳбарияти, шунингдек, Тошкент тумани ҳокимияти ва жамоатчилик вакиллари иштирокида турли хил мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

# ЎТГАН 3 ОЙДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ УЧ БАРОБАРГА ОШДИ

*шунга монанд йўловчи поездлари ва вагонлари сони ҳам кўпайтирилмоқда*

**Ўтган ҳафта "Тошкент-Марказий" темир йўл вокзалида "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти тасарруфидаги темир йўл транспортида йўловчи ташиш, хусусан, йўл чипталари тарифларини ошириш ҳамда келгуси режалар, мақсадлар, шунингдек, ушбу хизматлар истеъмолчилари билан боғлиқ бошқа долзарб жиҳатларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**





Унда "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи Ҳикматилла Рахметов ҳамда "O'ztemiryo'lyo'lovchi" акциядорлик жамияти бош директори вазифасини бажарувчи Шарофиддин Қодиров оммавий ахборот воситалари вакилларига сўнгги ойларда юк ва йўловчи ташиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболли режалар ҳақида атрофлича маълумот берди. Шунингдек, журналистлар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга мутахассислардан жавоб олишди.

Матбуот анжумани давомида юқори тезликда ҳаракатланадиган поездларни ташкил этишнинг халқаро тажрибасини ўрганиш натижасида Ўзбекистонда Россия, Украина, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларга нисбатан чипталарнинг арзонлиги аниқлангани таъкидланди.

Бундан ташқари, агар нархларни юқори тезликдаги поездлар қатнайдиган йўналишларда авиа ва автотранспорт билан таққосласак, Ўзбекистонда юқори тезликда ҳаракатланадиган поездлар сифатли қулайлик тоифасидаги поездлардир.

Давоми 2-бетда

# ЎЗ ОНА ТИЛИМИЗНИ АСРАШИМИЗ, АРДОҚЛАШИМИЗ КЕРАК!

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Хусусан, тизимдаги барча идоравий ҳужжатлар ҳамда иш қоғозлари, шунингдек, муҳр ва тамғаларнинг Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги тўлиқ таъминланган.

Кўргазмали ахборот матнларининг давлат тили меъёр ва қоидаларига мослиги ва лотин алифбосида бехато ёзилиши таъминланган, 700 дан ортиқ турли мазмундаги меъёрий ҳужжатлар тўлиқ давлат тилига мувофиқлаштирилди. Темир йўл соҳасига бошқа тиллардан кириб келган ва айни вақтда фойдаланилаётган атамалар хатлов қилинди ва ўзбек тилидаги муқобиллари шакллантирилди. Корхона ва ташкилотлар бино ҳамда иншоотларида реклама, пешлавҳалар, эълонларнинг қонун талабларига зид ва давлат тилида бўлмаган барча турдаги кўргазмали ахборот матнларининг давлат тилида бўлиши таъминланди. Станция ва вокзаллардаги пешлавҳалар, йўналтирувчи ёзувлар, эвакуация жадваллари, хариталар, йўл чипталари, турли шиорлар, баннерлар, поездларга ёзилган ёзувлар, реклама, эълонларнинг қонун талабларига зид ва давлат тилида бўлмаган барча турдаги кўргазмали ахборот матнларининг давлат тили қонунлари асосида, лотин ёзувида бўлиши таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Давергеодезкадастр қўмитаси эксперт комиссияси билан ҳамкорликда темир йўл тизимидаги мавжуд 244 та станция, 27 та разъезд, 2 та блокпост номлари ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонун талабларидан келиб чиқиб, Эксперт комиссияси томонидан 90 та географик объектлар номлари ўзбек тили имло қоидаларига мувофиқлаштирилди.

“Темир йўл соҳасига оид сўз ва атамаларнинг русча-ўзбекча изоҳли луғати” чоп этилди.

Темирйўлчи ходимларнинг давлат тилида иш юритиш бўйича малакасини ошириш бўйича Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида ўқитилиб келинмоқда.

Темир йўл соҳаси бевосита ўзга давлатлар билан боғлиқ бўлган иш фаолиятига эга. Соҳада иш фаолияти ва ривожи учун ўзга тиллардан ҳам фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Аммо бу ўз тилимизни ривожлантиришга, уни соф ҳолда сақлашга ва нуфузини оширишга асло халақит бермаслиги керак.

**Ҳулкар ҲОТАМБОЕВА,**
**“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раиси маслаҳатчиси**

# САЙЁҲЛИК ПОЕЗДИНИ ИШГА ТУШИРИШ ТЎҒРИСИДА МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

– “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти билан ҳамкорлигимиз бой тарих ва маданиятга эга ҳудудни ривожлантиришга қаратилган ноёб лойиҳадир, – дейди П.Барлетта. – Биз Осиё сайёҳлик бозорида Европа, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликларидан кейин қизиқарли архитектура ва бадиий меросга бой мамлакат – Ўзбекистонда амалга оширишдан мамнунмиз. Темир йўл саёҳати – бу туризмнинг келажаги, саёҳатнинг янги ва барқарор усулидир. “ARSENALE Group”нинг вазифаси бу тажрибани дунёнинг энг ҳаяжонли жойларида амалга ошириш, янги уфқларни кашф қилиш истагини тўхтата оладиган ҳеч қандай тўсиқ йўқлигини исботлашдан иборат. Ушбу ҳамкорликнинг имзоланиши билан биз саёҳатчилар поездимизга чиқишлари ва бу ажойиб мамлакатнинг тарихий ва маданий бойликларини кашф этишлари учун тинимсиз меҳнат қилишга тайёрмиз.




“Luxury Train Cruising” сайёҳлик поездининг ишга туширилиши Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё минтақаси учун муҳим воқеа бўлиши кутилмоқда. Лойиҳа дунёнинг турли бурчакларидан келган сайёҳлар эътиборини ўзига қаратиб, уларга Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларининг бетакрор гўзалликларидан баҳраманд бўлиш имконини беради. Поезд йўловчиларга саёҳат давомида юқори сервис хизмати кўрсатиши учун барча замонавий қулайликлар билан жиҳозланади.

“Luxury Train Cruising” сайёҳлик поездининг йўлга қўйилиши Ўзбекистон ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланди. Бу лойиҳада туризмни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун улкан имкониятлар мавжуд. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг асосий сайёҳлик марказига айланишни мақсад қилган ва мазкур поезднинг ишга туширилиши ушбу мақсадга эришишда муҳим қадам бўлади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, 2023 йил 31 июль куни "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти ва Италиянинг “ARSENALE Group” компанияси ўртасида учрашув бўлиб ўтган эди. Унда ҳамкорлик ва умумий лойиҳаларни амалга ошириш, хусусан, сайёҳлик поездини ишга тушириш ва қўшма корхона ташкил этишнинг муҳим масалалари муҳокама қилинган.

**Отабек ХУДОЙБЕРДИЕВ**

**КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН**

# МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ҲОЛАТИ БЎЙИЧА ИШ БЕРУВЧИ ВА КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАМКОРЛИГИДА МОНИТОРИНГ ЎТКАЗИЛДИ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбарияти томонидан тасдиқлаган “Меҳнат муҳофазаси ҳолати бўйича мониторинг ўтказиш тўғрисида”-ги жадвалга ва Тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгашининг 25 сентябрдаги 02-03-30-сонли фармойишига биноан Республика Кенгаши меҳнат муҳофазаси бўлими мудири Ж.Валихонов бошчилигидаги “Тошкент”, “Қўқон”, “Қарши”, “Қўнғирот” ва “Термиз минтақавий темир йўл узели” унитар корхоналари, касаба уюшма ҳудудий қўмиталарининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бош мутахассислари иштирокидаги мониторинг гуруҳи томонидан бир ҳафта давомида “Термиз минтақавий темир йўл узели” унитар корхонаси тасарруфидаги корхона, ташкилот ва муассасаларида меҳнат муҳофазаси ҳолати ва ишчи-ходимларга яратилган меҳнат шароитлари устидан жамоатчилик назоратини ташкил этилиши бўйича мониторинг ўтказилди.

Мониторинг давомида меҳнат муҳофазасининг қуйидаги масалаларига, яъни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича корхоналардаги умумий аҳвол, хусусан, қозонхоналар, кўтарма иншоотлар ва босим остида ишловчи сиғимларда ишларни бехатар олиб боришда ва корхоналарда авария, бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш чоралари, уч босқичли маъмурий жамоатчилик назоратини ташкил этиш ва ўтказиш, иш жараёнида ходимларга етказилган зарарларни тўлаш тартиблари, хусусан, иш жойларини шаҳодатлаш (аттестациядан ўтказиш) тартиби, янги ишга қабул қилинган ходимларга Т-1 шакл асосида йўриқдан ўтказиш ва бошқа масалаларга эътибор қаратилди.

Ҳафта давомида узелнинг 12 та темир йўл корхона ва ташкилот ҳамда муассасалари ўрганилиб, уларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Мониторинг якунида барча ўрганилган корхона, ташкилот ва муассасалар вакиллари иштирокида семинар-тренинг ўтказилди.

Семинарда мониторинг гуруҳи аъзолари Ф.Қаюмов, И.Худоёров, Б.Дониёров, Р.Режепов, Р.Турсуновлар сўзга чиқиб, корхоналардаги ютуқ ва камчиликлар тўғрисида тавсия ва тушунтиришлар беришди.

Шунингдек, семинар-тренинг давомида ўрганилган корхона, ташкилот ва муассасалар вакиллари ўртасида меҳнат муҳофазаси бўйича амалдаги меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш бўйича кўрик-танлов ўтказилди. Қизғин баҳс-музокаралар ва савол-жавоблар асосида ўтказилган танловда фаол иштирок этган семинар-тренинг иштирокчилари “Термиз минтақавий темир йўл узели” унитар корхонаси Ҳудудий касаба уюшма қўмитасининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Семинар иштирокчилари томонидан берилган саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоблар ва мурожаатлари бўйича керакли кўрсатмалар берилди.

**Назокат НУРМАТОВА**

**ҚИСҚА САТРЛАРДА**

### “ТЕРМИЗ” СТАНЦИЯСИДА ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗИЛДИ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг 1255-Н сонли буйруғи ижросини таъминлаш ҳамда дебитор қарздорликларни ҳал қилиш мақсадида “Термиз минтақавий темир йўл узели” унитар корхонаси бошлиғи ўринбосари Қ.Мусурмонов томонидан “Термиз” станциясида темир йўлда юк ортиш ва тушириш салоҳиятига эга бўлган “Бегижон бинокори”, “Интер трейдинг гроуп” ҳамда “Сурхон КСП гранд” масъулияти чекланган жамиятлари раҳбарлари билан учрашув ўтказилди.

Учрашувда дастлаб, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси томонидан тадбиркорлар билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, юк ташишда уларни қийнаётган муаммо ва тўсиқларни ўрганиб, бартараф қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида кенг маълумотлар берилди.

Шундан сўнг тадбиркорлар томонидан юк ортиш, жўнатиш, юкларни қабул қилиб олиш, вагонларни ўз вақтида етказиб бериш борасидаги муаммолар бўйича берилган саволларга узел бошлиғи ўринбосари ҳамда станция бошлиғи томонидан жавоб қайтарилди.

### “ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ КУНИ” ДОИРАСИДА

“Қарши минтақавий темир йўл узели” унитар корхонасида “Ҳаракат хавфсизлиги куни” доирасида



узел бошлиғи М.Мирзаев ва юк ташиш ва станциялар билан ишлаш бўлими бошлиғи Э.Набиев биргаликда “Жайрон” ҳамда “Нишон” темир йўл станцияларида назорат кўриги ўтказди.

Кўрик давомида “Жайрон” станцияси маъмурий биносида амалга оширилаётган қурилиш ишлари кўздан кечирилиб, керакли кўрсатмалар берилди. “Нишон” станциясида темир йўл изларининг жорий ҳолатини тўғирлаш ишлари билан танишилди.

### “ТОШКЕНТ-МАРКАЗИЙ” ВОКЗАЛИ ДОИМИЙ ЖАДВАЛ АСОСИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА

Жорий йилнинг 16 октябрь санасидан бошлаб “Тошкент-Марказий” темир йўл вокзали ўз фаолиятини аввалги жадвал бўйича бошлади.

Яъни юқори тезликда ҳаракатланувчи “Afrosiyob”, тезюрар “Шарқ”, “Насаф”, “Ўзбекистон” поездлари ва “Тошкент – Волгоград – Тошкент” йўналишида ҳаракатланувчи йўловчи поездлар аввалгидек “Тошкент-Марказий” вокзалидан ҳаракатланмоқда ҳамда “Тошкент-Марказий” вокзали ва “Тўқимачи” станциясидан ҳаракатланаётган шаҳарлараро Хожикент, Гулистон, Ангрен, Ховост, Бекобод йўналишидаги поездлар 16 октябрь санасидан бошлаб “Тошкент-жанубий” вокзалидан ҳаракатланяпти.

### МАХСУС-ТАКТИК ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ ЎТКАЗИЛДИ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг 2023 йил 3 февраль кунидаги 103 Н-сонли “Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича 2022 йилда бажарилган тадбирлар якуни ва 2023 йилдаги вазифалар тўғрисида”ги буйруғига асосан, “Қарши” вагон депоси ҳудудида “Қарши” вагон депоси фаолиятини ҳамда куч ва воситаларининг шайлигини такомиллаштириш, ишчи-ходимларни юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш, шунингдек, фуқаро муҳофазаси масалалари бўйича тайёргарлигини ошириш бўйича “Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар содир бўлганда раҳбар ходимлар ва фуқаро муҳофазаси тузилмалари шахсий таркибининг хизматлари билан ҳамкорликдаги ҳаракатлари” мавзусида махсус-тактик ўқув машғулоти ўтказилди.

### ТЕМИРЙЎЛЧИ ЗУККО КИТОБХОНЛАР БЕЛЛАШДИ

Бошқарув раисининг “Ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш тўғрисида”ги Н-358-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент темир йўл техникумида “Зукко китобхон-2023” танловининг якуний Республика босқичи бўлиб ўтди.

Танлов темир йўл тизими тасарруфидаги бошқарма, корхона, ташкилот ва муассасаларида ўтказилган саралаш босқичининг 9 нафар ғолиблари ўртасида ўтказилди.



Унда 1-ўринни “Бухоро минтақавий темир йўл узели” унитар корхонасининг “Бухоро” вагон депоси ёрдамчи хўжалик цехи ишчиси Моҳигул Раҳимова қўлга киритди. 2-ўринни “Тоштемирйўллойиҳа” масъулияти чекланган жамияти Комплекс лойиҳалаш бўлими муҳандиси Ҳасанжон Муҳаммадрасулов ҳамда 3-ўринни “Термиз минтақавий темир йўл узели” унитар корхонасининг “Термиз” локомотив депоси техник бўлим муҳандиси Озода Норбоева эгаллади.

# ЎТГАН 3 ОЙДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ УЧ БАРОБАРГА ОШДИ

*шунга монанд йўловчи поездлари ва вагонлари сони ҳам кўпайтирилмоқда*

Давоми. Бошланиши 1-бетда



Бу эса амалдаги нархлар хизмат кўрсатиш синфига мос келмаслигини англатади ҳамда шунга мос равишда хизмат кўрсатиш сифатига таъсир қилади ва шунинг учун ҳам ички, ҳам халқаро туризмнинг янада ривожланишига таъсир қилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, нархларнинг оқилона ўсиши билан хизмат кўрсатиш тоифаси ва қулайлигига мувофиқ, юқори тезликда ҳаракатланадиган поездларга чипталар етишмаслиги муаммолари ҳам ҳал қилинади.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари томонидан спекулянтларга қарши курашиш учун чипталар нархининг ошиши қандай таъсир қилиши ҳақида савол туғилди.

– Темир йўл тизимида чипталар шунчалик арзонки, чайқовчилар уларни сотиб олиб, поезд жўнашидан олдин одамларга қайта сотади, – дейди Х.Рахметов. – Агар чипта сотилмаса, улар 15 минг сўм жарима тўлаб, кассага топширадилар. Чайқовчи чиптани қайта сотадиган йўловчини топса 100 минг, 150 минг сўм даромад олади.

Матбуот анжуманида “битта паспорт – битта чипта” тизимининг янги шартлари ҳам кассаларда чипталар йўқлигига қарши курашишда ёрдам бериши таъкидланди.

Муҳокама давомида мутахассисларимиз томонидан янги йўловчи вагонларини сотиб олиш режалари, Жамият сотиб олинган вагонлар учун кредитларга эга эканлиги, шунингдек, йўловчи ташиш фойдасига қўйилган устуворликлар ҳақида ҳам сўзлаб берилди.

– Ҳеч кимга сир эмаски, темир йўл тизимида йўловчи ташиш жараёни катта харажатлар талаб этади, – деди Х.Рахметов. – Аммо шунга қарамай, биз аҳолимиз поездларда қулай ҳаракатланиши учун уларга устувор аҳамият берамиз. Хусусан, темир йўл линияси бўйлаб 1 та йўловчи поезди ўтганда, тахминан 3 та юк поезди кутиб туради. Шунга қарамай, йўловчи ташиш харажатлари юк ташиш ҳисобига қопланади. Бу ўзаро субсидия деб аталади.



Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари вакилларидан бири йўловчилар ташиш бўйича ишонч телефони бор-йўқлигини сўради.

– Барча ижтимоий тармоқларда “O‘ztemiryo‘lyo‘lovchi” акциядорлик жамиятининг расмий саҳифалари мавжуд бўлиб, уларда ишчи гуруҳи мурожаатлари билан фаол иш олиб борилмоқда, – деди Ш.Қодиров. – Хусусан, Телеграм бот, “Ишонч” телефони, Инстаграм ва Фейсбук саҳифалари мавжуд. Барча таклифлар ва мурожаатлар кузатилади ва чора-тадбирлар тезда қўлланилади.

Матбуот анжуманида Жамиятнинг жорий ва режалаштирилган инфратузилма лойиҳалари ҳам эълон қилинди. Ҳозирги вақтда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти томонидан “Бухоро – Урганч – Хива” участкасида электрлаштириш ишлари олиб борилаётган бўлиб, юқори тезликдаги поездларга мослаштириш жараёни амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳалар мазкур ҳудудларда йўловчи ташиш қулайлигини яхшилашга қаратилган.

Бундан ташқари, келажакда Нукус шаҳригача юқори тезликдаги поездлар линиясини давом эттириш режалаштирилган бўлиб, бу йўловчи ташиш тармоғини кенгайтириш ва аҳоли ҳамда сайёҳлар учун қулайроқ шароитларни таъминлаш имконини беради.

Тадбирда янги поездларни сотиб олиш режалари ҳам эълон қилинди. Унга кўра, яқин келажакда “Hyundai Rotem” моделидаги олтита қулай юқори тезликда ҳаракатланадиган поездларни ва “Škoda Transportation” томонидан ишлаб чиқарилган 30 та тезкор электр поездларни сотиб олиш режалаштирилган. Бу темир йўл тизимидаги поездлар паркини янгилайди ва йўловчиларга саёҳат пайтида янада кўпроқ танлов ва қулайлик яратади.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбарияти томонидан йўловчи ташишни ривожлантириш соҳанинг устувор йўналишларидан бири эканлиги таъкидланди. Йўловчиларнинг барча таклифлари ва мурожаатлари синчковлик билан ўрганилиб, хизматни яхшилаш ва мижозларнинг эҳтиёжларини қондириш учун чоралар кўрилмоқда. Жамият Ўзбекистон аҳолиси ва мамлакат меҳмонларини темир йўл транспортида қулай ва хавфсиз саёҳат билан таъминлаш мақсадида соҳа инфратузилмасини такомиллаштириш ва замонавий ривожлантиришга интилмоқда.

“ЯШИЛ МАКОН” ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА

# 25 ОКТЯБРДАН 1 ДЕКАБРГАЧА “КУЗГИ ДАРАХТ ЭКИШ МАВСУМИ” ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ



**Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 11 октябрь санасида туризм ва маданият масканлари имкониятини тўлиқ ишга солиш ва “Яшил макон” кузги мавсумини ташкил этиш бўйича йиғилиши бўлиб ўтган эди.**

Президентимиз томонидан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ва ҳудудлардаги минтақавий темир йўл узелларида ҳамда темир йўлга яқин масканларда дарахт кўчатларини экиш ишлари бошлаб юборилди.

Мазкур тадбир доирасида барча таркибий темир йўл бўлинмалари жамоаси кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Хусусан, “Бухоро минтақавий темир йўл узели” унитар корхонаси тасарруфидаги ҳудудларда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш, мавжуд дарахт ҳамда буталарга шакл бериш, оқлаш, суғориш, янги экиладиган кўчатлар ўраларини тайёрлаш, дарахт кўчатларини ҳамда қаламчаларини экиш бўйича ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда.

ҚАРОР ИЖРОСИ

# КОРРУПЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА МАХСУС ЎҚУВ КУРСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Жорий йилнинг 9-12 октябрь кунлари Тошкент темир йўл техникуми ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетининг фалсафа ва ҳуқуқ фанлари доктори Жобиржон Саитмуротов томонидан “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражаси юқори бўлган раҳбар ходимларга коррупциянинг олдини олиш ва ходимнинг ишга бўлган хулқ-атвор этикаси йўналишида ўқув курслари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентиниг 2022 йил 11 майда қабул қилинган “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштрокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 240-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган ўқув жараёнида Жамият ходимлари коррупцияга қарши курашиш бўйича янги билимларга эга бўлди ва тармоқнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги асосий ички идоравий ҳужжатлари билан яқиндан таништирилди.

Ўқув курси якунида имтиҳон-тест синовларидан ўтган ходимларга махсус сертификатлар тақдим этилди.

**Васила ХОДЖАЕВА**

ЗДОРОВЬЕ

# С 16 ПО 31 ОКТЯБРЯ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОЙ ПОЛИКЛИНИКЕ ПРОХОДИТ АКЦИЯ

**Состоялась встреча для женщин, приуроченная к 15 октября – дню “Всемирной борьбы с раком молочной железы” Во всем мире, в том числе и в Узбекистане, рак молочной железы занимает одно из первых мест среди женщин в системе онкологических заболеваний.**



Проблема актуальная. В народе говорят: “Здоровье народа – богатство страны”. На уровне правительства 2021 года 27 мая разработан Постановление Президента “О дальнейшем совершенствовании системы оказания гематологической и онкологической помощи населению” в части раннего выявления и профилактики онкологических заболеваний у женщин.

В сфере железной дороги трудится более 27.000 женщин. Понимая всю важность сохранения здоровья и ранней профилактики заболеваний на основе сотрудничества администрация Центральной железнодорожной поликлиники, Служба здравоохранения, общественный совет женщин АО “Узбекистон темир йуллари” и ООО “ТСМТ” проводят Акцию по проведению бесплатной маммографии для женщин-железнодорожниц старше 40 лет с 16 по 31 октября 2023 года. В рамках акции можно привести подругу не железнодорожницу, она сможет пройти в эти дни маммографию и консультации некоторых профильных специалистов со значительной скидкой.



Эта информация прозвучала во время встречи с труженицами дороги. Её вела производственный врач медпункта Управления дороги – Е.М.Малькова. Терапевт с большим опытом вкратце рассказала о болезни, приводила факты, в том числе отметила, что обследование могут пройти женщины старше 40 лет, но есть и ограничения – беременные и кормящие мамы. Начиная с 50 лет, эту процедуру необходимо проходить раз в полгода.

Во время презентации слушательницам напомнили, что маммография – это скрининговый рентгенологический метод инструментальной диагностики заболеваний молочной железы, в том числе и опухолевого характера и рекомендована для всех женщин старше 40 лет в качестве ежегодного профилактического метода обследования. Статистика показывает, что введение процедуры в практику позволило на 35% снизить смертность от рака груди среди женщин до 50 лет.

Малькова подчеркнула, что бояться не нужно. Цифровая маммограмма дает организму низкую радиацию и используется для выявления любого заболевания молочной железы при качественном обследовании. По статистике, только на 1-2 из 1000 скрининговых маммографических снимков приходится злокачественная опухоль молочной железы. Отдельно рассказала о правилах прохождения обследования, которых необходимо придерживаться для точности результата.

В завершении встречи, врач призвала всех женщин пройти обследование.

На момент сдачи газеты в печать около 40 женщин железнодорожниц прошли обследование.




**Овен**

Вам потребуется выдержка и четкость в словах, делах и планах. Если же у вас в голове сумбур и сомнения, на успех рассчитывать не приходится. В четверг желательно меньше болтать и вообще контактировать с людьми. Пятница благоприятна для начала чего-то нового. На этой неделе вы сможете между делом решить некий важный личный вопрос.

**Телец**

На этой неделе не стоит идти наперекор общепризнанным правилам и общественному мнению. Вам следует проявить последовательность и пунктуальность. Не делайте той работы, без которой можно обойтись. У вас есть шанс раскрыться и показать себя с лучшей стороны. Постарайтесь быть тактичнее, раздражение нужно скрывать и гасить, считайтесь с интересами окружающих.

**Близнецы**

Побольше дипломатичности и гибкости в принятии решений. Прислушайтесь к голосу интуиции, и вы добьетесь своего. А еще сможете обрести в лице партнеров настоящих единомышленников. Обращайте внимание на мелочи, и они откроют вам очень много полезного и интересного. Возможно новоселье, свадьба или пополнение в семье. В целом, у вас гармоничный и успешный период.

**Рак**

Будьте проще и доступнее. Не напускайте на себя серьезный вид, расслабьтесь, чаще улыбайтесь. События в личной жизни позволят избавиться от иллюзорных представлений и надуманных идеалов, хотя процесс будет протекать не всегда так, как вам бы того хотелось.

**Лев**

Вы сейчас находитесь в условиях вполне благоприятных, хотя, быть может, сами этого и не ощущаете. Продолжается период деловой и творческой активности, позволяющий раскрыть ваш творческий потенциал и реализовать давно задуманные планы. Единственный минус – состояние усталости, вызванное этой самой повышенной активностью. Много сил отнимут встречи и развлечения.

**Дева**

Постарайтесь на этой неделе распределить время так, чтобы вы смогли не только плодотворно работать, но и как следует отдыхать. И не надо отговорок, что в сутках всего-навсего двадцать четыре часа, считайте жизнь минутами – их больше. Деловые вопросы старайтесь решать быстро, избегая долгих колебаний и размышлений.

**Весы**

На этой неделе у вас наблюдается подъем активности и результативности. Может произойти смена места жительства и новое романтическое знакомство. Завоюйте доверие начальства, и перед вами откроются новые возможности, докажите свою надежность. Пятница – удачна для поездок и путешествий, командировок и переезда.

**Скорпион**

Вам необходимо заглянуть в себя и подумать, что вам нужно, что вас радует и вдохновляет. За это и нужно бороться! И вы обретете долгожданное счастье. Сейчас личная жизнь выходит на первый план. Выбор бывает сложным, поэтому, прежде чем действовать, все хорошенько обдумайте. Но все же не тяните до бесконечности.

**Стрелец**

Вы подсознательно готовы к борьбе и к радикальным переменам. Только действуйте мягче, будьте добрее, смените гнев на милость, так будет легче и вам и окружающим. Держа себя в жестких границах вежливости и великодушия, вы можете получить неожиданное повышение по службе или какой-нибудь иной, но не менее приятный подарок судьбы.

**Козерог**

На этой неделе важно планировать свои действия хотя бы на несколько шагов вперед. Решение многих важных вопросов будет продиктовано стремлением облегчить свою жизнь и улучшить материальное положение. На всякий случай просчитайте все варианты. Просто не будет, – говорят звезды. Придется преодолевать препятствия.

**Водолей**

Постарайтесь проанализировать ситуацию и понять тайные мотивы окружающих. Приводите в порядок все, до чего дотянетесь. В том числе и свои мысли. Это поможет вам пролить свет на истинные причины происходящего. Не попадайтесь на удочки авантюристов вместе с их увлекательными проектами – ничего, кроме разочарования и огорчения они вам не принесут.

**Рыбы**

Наступает благоприятный период для творчества и новаторских идей. Но не стоит идти на принцип и подавлять партнеров. В среду желательно заняться своими, а не чужими делами. Четверг располагает к генеральной уборке, расчистите письменный стол, проведите ревизию в бумагах.




## STADLER ПОСТАВИТ В КАЛИФОРНИЮ ЕЩЕ ДО 29 ПОЕЗДОВ НА ВОДОРОДНОМ ТОПЛИВЕ



Транспортная администрация штата Калифорния (CHSRA) подписала с компанией Stadler договор на поставку для оператора Caltrans четырех поездов FLIRT H2 на водородном топливе с опционом, допускающим приобретение еще 25 ед.

Поезд FLIRT H2 разработан компанией Stadler в партнерстве с транспортной администрацией округа Сан-Бернардино (SBCTA) штата Калифорния, на сети которой он приступит к регулярным пассажирским перевозкам в 2024 г. Контракт с SBCTA предусматривает возможность покупки еще четырех таких поездов.

Двухвагонный FLIRT H2 включает промежуточную секцию с силовым оборудованием, где размещены топливные элементы и резервуары с водородом. Силовая установка способна обеспечить электроэнергией поезд составностью до четырех вагонов.

Поезд FLIRT H2 испытывался в Швейцарии и США. Он был продемонстрирован на выставках InnoTrans 2022 в Берлине (Германия) и APTA EXPO 2023 в Орландо (штат Флорида, США). Подробнее об этом поезде можно почитать в статье на нашем сайте.

## В САКРАМЕНТО ПРИСТУПИЛИ К СБОРКЕ ПОЕЗДОВ AIRO ДЛЯ ОПЕРАТОРА AMTRAK



На заводе компании Siemens Mobility в Сакраменто (штат Калифорния) начата сборка первых поездов локомотивной тяги Airo из 73 ед., заказанных оператором пассажирских перевозок Amtrak летом 2021 г. В августе 2023 г. Amtrak реализовал опцион на поставку дополнительно 10 поездов Airo. Первые поезда Airo, отличающиеся комфортными условиями для поездок в междугородных сообщениях со скоростью до 200 км/ч, появятся в эксплуатации в 2026 г.

В вагонах Airo с удобными креслами и увеличенным пространством для ног, с индивидуальными розетками, доступом к сети Wi Fi созданы также условия для поездок людей с ограниченной мобильностью, включая усовершенствованные системы визуального и звукового информирования. Весь парк новых поездов планируется задействовать на 14 маршрутах.

По данным Amtrak, реализация проекта способствует развитию бизнеса многочисленных предприятий в стране – более 100 компаний из 31 штата поставляют на завод в Сакраменто около 3,5 тыс. деталей и узлов.

## BRIGHTLINE И WI-TRONIX РАЗРАБАТЫВАЮТ БОРТОВУЮ СИСТЕМУ МОНИТОРИНГА НА ОСНОВЕ ИИ



Федеральная железнодорожная администрация США (FRA) выделяет оператору Brightline и компании Wi Tronix грант в размере 1,648 млн долл. США на разработку бортовой системы мониторинга пути в железнодорожном коридоре западного побережья Флориды. Система основана на искусственном интеллекте и должна повысить безопасность движения. В этом коридоре, соединяющем Майами и международный аэропорт Орландо, курсируют скоростные пассажирские поезда, сформированные из четырех вагонов Venture и двух тепловозов ALC 42 (Charger) постройки компании Siemens Mobility.

Система мониторинга компании Wi-Tronix собирает и обрабатывает в реальном времени фотоизображения и видеопоток от фронтальных камер на локомотивах. Выделенный FRA грант будет использован для оборудования 21 тепловоза Charger оператора Brightline камерами с поддержкой ИИ. Ежедневно эти камеры смогут записывать 2 млн фотоизображений и 135 тыс. ч видео для обучения ИИ, что позволит выявлять разного рода небезопасные и противоправные действия вблизи пути. Brightline намерен использовать эту информацию в том числе для проведения разъяснительной работы с местным населением.

Компания Wi Tronix рассчитывает, что бортовая система мониторинга на основе ИИ будет развернута не только в железнодорожном коридоре западного побережья Флориды, но и на других линиях США.

**По материалам интернета**

DONOLAR XAZINASIDAN

Inson hayotda turli voqealar guvohi bo‘laversa, har xil vaziyatlarga tushaversa, uning miyasida beixtiyor aforizmlar tug‘ilaverarkan. Bu holat menda ham bo‘lib turadi. Dabdurustdan xayolimga kelgan bunday aforizmlarni yon daftarimga yozib borish odatim bor. Shulardan ayrimlarini sizlarga havola qilsam.

* * *

Sovun kirni yo‘qotadi, jahl – aqlni.

* * *

Izzattalab do‘stdan qoch.

* * *

Raqamda hissiyot yo‘q, hissiyotning barcha turi so‘zda mujassam.

* * *

Do‘sting xursand bo‘lishini xohlasang bir marta maqta, xato qilishini xohlasang ikki marta, to‘g‘ri yo‘ldan urishni xohlasang hadeb maqtayver.

* * *

Pul – qo‘lning kiri deyishadi. To‘g‘ri. Biroq shu kirni yuvish uchun ham sovun kerak.

* * *

– Ko‘rolmaslik qachon to‘xtaydi?

– Yerda hayot to‘xtaganida!

* * *

Dunyoda bemordan murakkab inson bo‘lmasa kerak!

* * *

– Yangilik nima uchun yaratiladi?

– Eski muvaffaqiyatlarni saqlab qolish uchun.

* * *

O‘nta soxta do‘stdan bitta tanish afzal.

* * *

Kibrni ilm yengadi.

* * *

Qozonga yaqin yursang qorasi yuqadi deyishadi. To‘g‘ri, biroq uzoq yursang och ham qolasan-da.

* * *

Hissiyot kengaygan sayin aql torayib boradi.

SPORT

**Toshkent temir yo‘l masofasida jismoniy tarbiya va sportning ommaviy turlarini rivojlantirish, ishchi-xodimlarning mehnat samaradorligini oshirish va ularning mehnat qilish faolligini uzaytirish maqsadida korxona rahbariyati Kasaba uyushma qo‘mitasi va korxona Yoshlar ittifoqi bilan birgalikda “Insonga e’tibor va sifatli ta’lim yili” Davlat dasturi ijrosini ta’minlashni tashkil etish uchun korxona syex va bo‘linmalari o‘rtasida “Korxona kubogi” uchun mini-futbol musobaqasi o‘tkazildi.**

## MINI-FUTBOL BO‘YICHA SPORT MUSOBAQASI O‘TKAZILDI



“Lokomotiv” markaziy jismoniy sport klubi futbol maydonida bo‘lib o‘tgan musobqada korxonaning Toshkent – Angren, Toshkent – Mehnat yo‘nalishida va korxona yordamchi xo‘jaligida mehnat qiluvchi xodimlar ishtirok etdi.

Musobaqada korxona syex va bo‘linmalaridan 10 ta jamoa qatnashdi. Qizg‘in kurashlarga boy o‘tgan sport musobaqasida 1-o‘rinni “Ohangaron” stansiyasida joylashgan 15-bo‘linma, 2-o‘rinni “To‘qimachi” stansiyasida joylashgan 1-bo‘linma egalladi. Kuchli uchlikdan “Yangi yo‘l” stansiyasida joylashgan 6-bo‘linma joy oldi.

Musobaqa yakuni bo‘yicha Kasaba uyushma qo‘mitasi tomonidan g‘oliblarga esdalik sovg‘alari va birinchi o‘rinni egallagan “Ohangaron” stansiyasida joylashgan 15-bo‘linmasiga “Korxona kubogi” tantanali ravishda topshirildi.



Kasaba uyushma qo‘mitasi tomonidan o‘tkazilgan bu sport musobaqasidan asosiy maqsad, korxonada faoliyat ko‘rsatayotgan xodimlar o‘rtasida sog‘lom turmush tarzini targ‘ib qilish, ularning mehnat faoliyatini oshirish va bu orqali poyezdlar harakati xavfsizligini ta’minlashga qo‘shishdir.

**Bobir ABDIRAXMANOV,**
**Toshkent temir yo‘l masofasi**
**Kasaba uyushma qo‘mitasi raisi**

SEMINAR

# DAVLAT TILI BO‘YICHA MASLAHATCHILAR RESPUBLIKA SEMINARI BO‘LIB O‘TDI



**Joriy yilning 13-14-oktyabr kunlari O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining Davlat tilini rivojlantirish departamenti tashabbusi bilan bu yil ilk marotaba vazirliklar va idoralar rahbarlari, Qoraqalpog‘iston Respublikasi Vazirlar Kengashi Raisi, viloyatlar va Toshkent shahar, tuman (shahar) hokimlarining davlat tili bo‘yicha maslahatchilari respublika seminari bo‘lib o‘tdi.**

Davlat tili bo‘yicha maslahatchilarning malakasini oshirish hamda faoliyatini samarali yo‘lga qo‘yishga ko‘maklashishga qaratilgan mazkur tadbir bu yil ilk marotaba, O‘zbek tiliga davlat maqomi berilganligining 34 yilligi munosabati bilan tashkil etildi. Unda o‘zbek tilining nufuzini oshirishga xizmat qiluvchi eng muhim masalalar muhokama qilindi.

Seminarning birinchi kuni Adiblar xiyobonida buyuk mutafakkir Alisher Navoiy haykali poyiga gul qo‘yish marosimi bilan boshlandi.

Anjumanning rasmiy ochilishi Vazirlar Mahkamasining Davlat tilini rivojlantirish departamenti rahbari Nodirjon Xolbo‘tayev nutqi bilan boshlandi.

So‘ngra tilshunos olim, professor Nizomiddin Mahmudov, Shuhrat Ko‘chimov va O‘rinboy Boboyorovlarning o‘zbek tilini yanada rivojlantirish va bu borada maslahatchilar oldida turgan dolzarb vazifalar, o‘zbek tilining asosiy imlo qoidalari: lotin yozuvidagi o‘ziga xosliklar va normativ-huquqiy hujjatlar loyihalarini lingvistik ekspertizadan o‘tkazish masalalari haqida ma’ruzalari tinglanib, savol-javob va muhokamalar bilan davom etdi.

Seminar davomida reklama va atamalar, geografik obyektlarni nomlash masalalari bo‘yicha dolzarb fikrlar bildirildi. Ushbu masalalarning yechimlari bo‘yicha takliflar ilgari surildi. Shuningdek, “Yuridik atamalarning elektron lug‘ati” hamda “O‘zbek ismlarining izohli lug‘ati va mobil ilovasi”, “milliynom.uz elektron platformasi”ning taqdimoti o‘tkazildi.



BU – QIZIQ!

# TURK RIVYERASI VA TURK EGEYDA YOZ DAVOM ETMOQDA

**Taqvimlarimiz sahifalarini oktyabr oyiga varaqlasak ham, Turkiyaning O‘rta Yer dengizi va Egey dengizi (Turk Rivyerasi va Turk Egey) sohillarida dam oluvchilar hali ham issiq quyosh nuridan bahramand bo‘lib, moviy suvlarda cho‘milib, mazali turk oshxonasidan tanovul qilib kelishmoqda. Yilning 300 kuni quyoshli bo‘lgan Turk Rivyerasi va mo‘tadil iqlimi dengizni isitishda davom etayotgan Turk Egey, nafaqat go‘zal sohillari, balki tarixiy antik shaharlari, shuningdek, tabiiy boyliklar va noyob gastronomiya bilan ham yanada sokin ta'tilni istaydiganlar uchun mukammal kuzgi manzillarni taklif etadi.**

**Turk Egey: Issiq yoz mavsumidan qolishmaydigan kuz**

Izmir viloyatidagi Cheshme yarim oroli hamisha quyoshli Turk Egeyning eng mashhur sayyohlik yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi. Egey dengiziga qaragan Alachati, o‘zining mahalliy lazzatini saqlab kelayotgan ovqatlanish va ko‘ngilochar joylarini taklif etadi. Unda siz mintaqaning ko‘p asrlik lazzatlarini va ularning zamonaviy talqinlarini tatib ko‘rishingiz mumkin. Izmirning eng sevimli tumanlaridan biri bo‘lgan, hozirda Michelin Guide ro‘yxatiga kiritilgan Urla, o‘zining uzumzorlari va yosh oshpazlar tomonidan ochilgan zamonaviy restoranlari bilan mashhur.

Bodrum o‘zining moviy ko‘rfazlari va ajoyib tabiati bilan Turk Egeyning eng nafis va betakror yo‘llaridan biri bo‘lib, hashamatli mehmonxonalar, marinalar, jahon taomlari bilan xizmat qiluvchi sifatli restoranlar va birinchi darajali xarid qilish imkoniyatlariga ega. Qadimgi dunyoning yetti mo‘jizasidan biri bo‘lgan Galikarnas maqbarasi xarobalari va suv osti arxeologiya muzeyi joylashgan tarixiy qal’a ham yarim orolda ko‘rish kerak bo‘lgan joylardandir. Dunyoning eng muhim moviy kruiz yo‘llaridan biri bo‘lgan Bodrum, yil bo‘yi yangi dengiz mahsulotlari, turk va jahon oshxonasining eng yaxshi namunalari namoyish etiladigan gastro-shahar sifatida tashrif buyuruvchilarni kutib olmoqda. Yaqinda Mishel qo‘llanmasiga kiritiladigan Bodrumning eng muhim restoranlarining aksariyati port, marina va qirg‘oq hududlarida joylashgan.







Egey dengizidan janubga, O‘rta Yer dengizi tomon sayohat qilganingizda, sizni ajoyib manzillar kutmoqda. Ularning har biri tabiat mo‘jizasi va tarix davomida qadimgi taraqqiyot uyi sanaladi. Har bir burchakda hayratlanarli manzaralar bilan o‘ralgan bu hududlar unutilmas onlarni taqdim etadi. Datcha va Bo‘zburun yarim orollari toza suvlari bilan moviy kruiz sayohatlari uchun asosiy manzillardan bo‘lib, insonga tasalli beruvchi dam olish yo‘nalishlaridan hisoblanadi.

**Antaliya: yilda 300 yuz kun quyosh**

Turk Rivyerasining yuragi, yiliga 300 kun quyosh nuridan bahramand bo‘lgan yorqin va qiziqarli shahar bo‘lgan Antaliya, antik poytaxtlar, dengiz va quyosh, sohillar va o‘rmonlar bilan o‘ralgan. Antaliyada yoz mavsumi aprel oyida boshlanadi va noyabr oyining oxirigacha davom etadi. Kuzda havo harorati salqinroq va erta quyosh botishiga qaramay, Antaliya hali ham issiq yozni boshdan kechirmoqda. Viloyatda 231 ta ajoyib Moviy bayroqli sohillar joylashgan bo‘lib, ulardan biri Kash mintaqasidagi Kaputash sohilidir. Yorqin feruza ko‘rfazlar bilan o‘ralgan Kaputash dunyodagi eng go‘zal sohillardan biri sifatida munosib obro‘ga ega. Yilning bu vaqti ham mintaqaning qadimiy aholi punktlarini ziyorat qilish uchun eng yaxshi vaqt hisoblanadi. Bu hududda bir qancha hayajon baxsh etuvchi qadimiy shaharlarni ziyorat qilishdan tashqari, mintaqadagi qazishmalar paytida topilgan g‘ayrioddiy artefaktlar to‘plamiga ega Antaliya muzeyida uchta madaniy mintaqaning: Likiya, Pamfiliya va Pisidiya boyliklarini ko‘rishingiz mumkin.

MUASSISLAR:

“O‘zbekiston temir yo‘llari” aksiyadorlik jamiyati, O‘zbekiston temiryo‘lchilari va transport quruvchilari kasaba uyushmasi Respublika Kengashi

Tahrir kengashi:
Ramatov A.J.
Narzullayev Z.G‘.
Sabirov Q.S.
Yusupov J.Z.
Baltabayev A.A.

Bosh muharrir
Rustam HAYDAROV

Musahhih – Umida TO‘YCHIBOYEVA

Sahifalovchi – Gulzoda BOLTAYEVA

Fotomuxbir – Yoqubjon MUROTOV

Manzilimiz: 100047, Toshkent sh., Amir Temur shohko‘chasi, 4-uy.
Bosh muharrir: (71) 236-48-54
Qabulxona: (71) 236-48-92
Muxbirlar: (71) 236-48-71
Faks: (71) 236-48-53

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0139-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro‘yxatga olingan.
Gazeta tahririyat kompyuter markazida sahifalandi
ISSN: 2181-6158

Buyurtma G-1033 Bosishga topshirildi: 19:30 1 2 3 4 5 6

“Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida A-2 hajmda chop etildi. Hajmi 2 bosma taboq. Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy. Adadi: 3000